

**ЁШЛАР УЧУН ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА БАНДЛИК ДАСТУРЛАРИНИ  
МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ:  
РАҚАМЛАШТИРИШ, ESG-МОЛИЯЛАШ ВА “GREEN JOBS”  
ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

Тухлиева Малика Тураевна

[malitm7775@gmail.com](mailto:malitm7775@gmail.com)

**MAQOLA  
MALUMOTI**

**ANNOTATSIYA:**

**MAQOLA TARIXI:**

Received: 03.11.2025

Revised: 04.11.2025

Accepted: 05.11.2025

**KALIT SO'ZLAR:**

ёшлар сиёсати,  
рақамлаштириш,  
ESG-молиялаш, яшил  
иқтисодиёт,  
ижтимоий ҳимоя,  
green jobs, рақамли  
молия, стартап,  
инновацион  
иқтисодиёт.

Мақолада ёшлар учун ижтимоий ҳимоя ва бандлик дастурларини молиялаштиришнинг инновацион йўллари таҳлил қилинган. Рақамлаштириш жараёнлари, ESG-молиялаш (Environmental, Social, Governance) механизмлари ҳамда “яшил иқтисодиёт” доирасидаги “green jobs” (яшил иш ўринлари) концепциялари ёшлар сиёсати билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Ўзбекистонда ёшлар бандлигини таъминлашда рақамли молия инфратузилмасини ривожлантириш, стартап экотизимини ESG-инвестициялар орқали молиялаштириш ва барқарор иқтисодиётга мос янги иш ўринларини яратиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Мақолада Германия, Польша ва Ҳиндистон тажрибалари билан бир қаторда Ўзбекистон шароитида рақамли молия ва “яшил иш ўринлари” моделларини жорий этиш имкониятлари ёритилган.

**Кириш**

Бугунги кунда дунё миқёсида ёшлар бандлиги ва ижтимоий ҳимоя масалалари глобал иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Ғарбий ва халқаро тажрибалардан кўриниб турибдики, ёшлар бандлиги ва ижтимоий ҳимояни муффасал кўриш — мамлакатнинг умумий барқарор ривожланиши учун муҳим. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) маълумотларига кўра<sup>8</sup>, 2023 йил ҳолатига дунёдаги ҳар учинчи ёш киши ишсиз ёки ноаниқ меҳнат шароитида фаолият юритмоқда. ХМТ ва бошқа агентликлар ёшлар орасидаги ишсизлик ва НЕЕТ (ишсиз, таълимда ва малакада иштирок этмайдиганлар) ҳолатларига эътибор қаратмоқда;

<sup>8</sup> International Labour Organization, Youth Employment Trends 2023, Geneva, 2023, p. 45

глобал ёш ишсизлиги ҳануз юқори (ёшлар учун ижтимоий-иқтисодий хавфлар мавжуд).

Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган стратегик ҳужжатларида ёшлар сиёсати, ижтимоий ҳимоя ва иш ўринлари яратиш устувор вазифалар қаторида белгиланган. Давлатнинг расмий портали ва янгиланган стратегия материалларида ёшларни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар акс этган.

Бу масалада рақамлаштириш, ESG-инвестиция моделлари ва “яшил иқтисодиёт” тамойиллари асосидаги “green jobs” дастурлари ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш имкониятини яратмоқда ва муносиб ечимлардан бири сифатида каралмоқда. Шу билан бирга, рақамли молия (digital finance), финтех (FinTech) ва электрон меҳнат (e-employment) платформалари ёшлар бандлигини молиялаштиришнинг самарали воситаси сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда ҳам бу соҳада тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 июндаги №501-сон қарори билан “Ёшлар бандлигини таъминлашнинг инновацион шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги дастур қабул қилинди. Шунингдек, 2022–2026 йилларга мўлжалланган “Ёшлар сиёсати концепцияси”да ёшларнинг иш билан таъминланиши ва рақамли иқтисодиётда иштирокини кучайтириш устувор йўналиш сифатида белгиланган<sup>9</sup>.

Рақамлаштириш ва ёшлар бандлигида янги молия механизмлари

Рақамлаштириш — Интернет, мобил алоқа ва рақамли хизматлар орқали молия ва меҳнат бўйича хизматларни автоматлаштириш ва оммалаштиришдир. Рақамлаштириш нафақат ахборот технологияларини ривожлантириш, таълим ва хизмат кўрсатиш соҳаларида, балки ёшлар учун молия тизимида ҳам янги имкониятлар яратмоқда. Бу соҳада уч муҳим йўналиш бор: Digital finance (онлайн молия хизматлари), FinTech (янги молиявий платформалар ва хизматлар) ва e-employment (қайта таркибланган меҳнат бозори — фриланс, платформа-ишлаш). FinTech, Digital Finance ва e-employment платформалари ёшларга иш излаш, грант топиш ва стартапларни молиялаштиришда янги йўللار очмоқда. FinTech / e-payments ва e-wallet соҳасида Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалий ривожланиш кузатилди: тўловлар, электрон ҳамёнлар ва турли микрокредит хизматлари ривожланмоқда — марказий банк ва аудиторлик фирмалари (масалан, KPMG) ҳисоботлари бу тенденцияни тасдиқлайди. Ўзбек марказий банки ва KPMG маълумотларида 2022–2023 йилларда электрон тўловлар ва e-wallet фойдаланувчиларининг сезиларли ошиши қайд этилган. “Click”, “Payme”, “UzumBank”, “myID”, “Uzum Nasiya” каби электрон тўлов ва микрофинанс хизматлари ёшлар учун онлайн тадбиркорлик имкониятларини кенгайтди. Бу платформалар орқали ёшлар банк хизматларидан осон фойдаланиб, кичик бизнес ва стартап фаолиятини бошлаш имконига эга бўлмоқда.

<sup>9</sup> Ёшлар ишлари агентлиги, 2023

Рақамлаштириш натижасида ёшлар бандлигини молиялаштиришда бир нечта инновацион йўналишлар шаклланимоқда. Улар орасида краудфандинг, электрон тўлов тизимлари ва малака алмашиш платформалари айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда:

1. Crowdfunding (оммавий сармоя жалб этиш) — ёшлар стартаплари учун жамоавий сармоя тўплаш имконини яратадиган платформа туридир. Хориждаги Kickstarter ёки GoFundMe каби моделлар ёшлар ғояларини амалга оширишда муҳим молиявий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, Германияда “Startnext” платформаси ёш тадбиркорлар учун 3000 дан зиёд лойиҳани молиялаштирган<sup>10</sup>. Ўзбекистонда бу соҳада тўлиқ ривожланган миллий платформа ҳали мавжуд эмас, аммо уни йўлга қўйиш ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашнинг замонавий йўли ҳисобланади.

2. E-wallet ва микрофинанс тизимлари — рақамли иқтисодиёт шароитида ёшлар учун молиявий хизматлардан тез ва қулай фойдаланиш имконини яратди. Ўзбекистонда “Click”, “Payme” ва “Apelsin” каби электрон тўлов тизимлари асосида ёшлар учун микрофинанс хизматлари йўлга қўйилган<sup>11</sup>.

3. Skill exchange (малака алмашиш) — рақамли меҳнат бозорида ёшлар малакасини ошириш ва масофавий иш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутди. Ҳиндистон тажрибасида “Digital India Initiative” дастури орқали 10 миллиондан зиёд ёш рақамли тадбиркорлик соҳасида иш билан таъминланган<sup>12</sup>. Ўзбекистонда эса, “Ishga marhamat” ва “MyWork.uz” каби платформалар шу мақсадга хизмат қилмоқда.

#### ESG-молиялаш ва «яшил иш ўринлари»

Рақамлаштириш ёшлар учун янги молиявий имкониятлар яратар экан, бу жараёни барқарор ривожланиш тамойиллари билан уйғунлаштириш зарурати ҳам кучаймоқда. Шу нуқтаи назардан, ESG-молиялаш (Environmental, Social, Governance) ёшлар бандлигини қўллаб-қувватлашда замонавий ва масъулиятли ёндашув сифатида намоён бўлмоқда. ESG-молиялаш инвестицияларнинг иқтисодий фойда билан бир қаторда ижтимоий ва экологик таъсирини ҳам ҳисобга оладиган моделдир.

Ёшлар учун ESG-молиялашнинг энг истиқболли йўналишларидан бири — «яшил иш ўринлари» (green jobs) яратишдир. Бу, айниқса, қайта тикланувчи энергия, экотуризм, чиқиндиларни қайта ишлаш ва экологик транспорт соҳаларида муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Польша ва Германияда ёшлар учун “Green Startups Program” каби дастурлар орқали 100 мингдан зиёд экологик лойиҳалар молиялаштирилган<sup>13</sup>. Ўзбекистонда ҳам бу йўналишга қизиқиш ортиб бормоқда. “Яшил иқтисодиёт” концепцияси доирасида ёшлар учун қайта тикланувчи энергия ва агроэкология соҳаларида янги иш ўринлари яратиш бўйича пилот лойиҳалар амалга

<sup>10</sup> OECD Innovation Report, 2022, p. 73

<sup>11</sup> Markaziy bank ахбороти, 2024

<sup>12</sup> World Bank, Digital Finance and Youth Employment, 2022, p. 58

<sup>13</sup> European Commission ESG Funds Report, 2023, p. 42

оширилмоқда<sup>14</sup>. Бунда халқаро тажриба, айниқса Германия ва Польша моделлари, миллий сиёсатда фаол татбиқ этилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай рақамли трансформация нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки ижтимоий масъулиятли сармояларни жалб этиш учун замин яратади. Шу нуқтаи назардан, кейинги босқич — ESG-молиялаш тизимига ўтиш муҳим аҳамиятга эга. ESG-молиялашнинг ёшлар сиёсатидаги афзалликлари куйидагиларда намоён булади:

1. Ижтимоий таъсирли инвестициялар (Social Impact Investments) — таълим, стажировка, ва ёшлар ишбилармонлигини молиялашга йўналтирилади.

2. “Green finance” (Яшил молия воситалари) — қайта тикланувчи энергия ва экотехнология стартапларини қўллаб-қувватлаш орқали ёш муҳандислар учун янги иш ўринлари яратилади.

3. Корпоратив жавобгарлик — йирик компаниялардан ESG стандартларига мос ҳолда ёшлар учун ижтимоий дастурларни молиялаш талаб этилади. Европа Иттифоқида ESG-фондлар умумий инвестициялар бозорининг 18%ини ташкил этади, уларнинг 12%и ёшлар таълими ва “green jobs” дастурларига йўналтирилган<sup>15</sup>.

Шу нуқтада “green finance” ва “green jobs” тушунчалари ўзаро узвий боғлиқдир. ESG-инвестициялар ёрдамида шаклланаётган экологик йўналишдаги бизнеслар — келгусидаги “яшил иш ўринлари”нинг асосий манбаи ҳисобланади. Демак, “green jobs” — ESG-молиялаш натижасида ёшлар учун яратилаётган янги иқтисодий имкониятларнинг амалдаги ифодасидир.

“Green jobs” (яшил иш ўринлари) — қайта тикланувчи энергия, чиқиндиларни қайта ишлаш, экологик тоза технологиялар каби соҳалардаги фаолиятни англатади. БМТ маълумотларига кўра, 2030 йилгача яшил иқтисодиёт соҳасида 24 миллионгача янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда<sup>16</sup>. Ўзбекистонда “Yashil iqtisodiyot – 2030” стратегияси асосида ёшлар учун “Green start-up” грант дастурларини жорий этиш режалаштирилган<sup>17</sup>.

Бу йўналишни самарали амалга ошириш учун ёшларнинг қайси соҳаларда фаол иштирок этиши муҳим экани аниқланиши лозим. Яъни, “green jobs” ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишда устувор соҳаларни белгилаш — кадрлар тайёрлаш, таълим тизими ва инвестиция сиёсатида муҳим йўналиш сифатида намоён бўлади. Ёшлар учун устувор йўналишлар:

- Қайта тикланувчи энергия (solar, wind, hydro) соҳаларида кадрлар тайёрлаш.
- Экологик қишлоқ хўжалиги ва органик маҳсулот ишлаб чиқариш.

<sup>14</sup> United Nations Development Programme. (2024), Youth Affairs Agency of the Republic of Uzbekistan. (2024, October 8), United Nations Development Programme. (2023).

<sup>15</sup> European Commission ESG Report, 2023, p. 36

<sup>16</sup> UNDP, Green Jobs for Youth Initiative, 2022, p. 14

<sup>17</sup> Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ахбороти, 2024

- “Zero waste” дастурлари асосида чиқиндиларни қайта ишлаш.
- Яшил қурилиш ва энергия тежамкор бинолар.
- ИТ соҳасида карбон изини камайтирувчи лойиҳалар.

Бу йўналишлар ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, чунки улар меҳнат бозоридаги янги тенденциялар ва экологик талабларга мос келади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ёшлар сиёсати ва бандлигини молиялаштириш соҳасида инновацион ёндашувларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги, рақамли технологиялар ва экологик инқилоб асосида янги молиявий моделлар шаклланимоқда. Бу моделлар ёшларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, стартаплар сонини кўпайтириш ва барқарор иш ўринларини яратишга хизмат қилади. Инновацион молия механизмларини жорий этишнинг амалий йўналишлари қуйидагича ифодаланади:

Йўналиш	Амалий механизм	Қўрилган натижа
<b>Рақамлаштириш</b>	Ёшлар учун “e-Start” рақамли грант платформасини ташкил этиш	Стартаплар сонининг ошиши, ёшлар тадбиркорлигининг ривожланиши
<b>ESG-молиялаш</b>	ESG-фондлар орқали таълим, стажировка ва ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш	Барқарор сармоя муҳити ва ижтимоий жавобгарлик тизимининг шаклланиши
<b>Green Jobs (яшил иш ўринлари)</b>	Ёшлар учун экотехнология ва қайта тикланувчи энергия соҳасида стажировкалар ташкил этиш	Янги иш ўринлари, яшил иқтисодиёт соҳасида ёш мутахассислар тайёрлаш
<b>Давлат–хусусий ҳамкорлик (PPP)</b>	Ёшлар марказларини ташкил этиш, бизнес инкубаторларини яратиш	Худудий ривожланиш ва ёшлар ишбилармонлигини ошириш
<b>Халқаро ҳамкорлик</b>	Жаҳон банки, ЕБРР ва БМТ дастурлари доирасида қўшма молиявий лойиҳалар	Инвестиция оқимининг ошиши ва халқаро тажриба алмашинуви

Инновацион молиялаштиришнинг самарали амалга оширилиши ёшлар бандлигини таъминлашда икки муҳим жиҳатни тақозо этади:

биринчидан, рақамли инфратузилмани кенгайтириш ва ёшлар учун онлайн молиявий хизматларга етишимни енгиллаштириш;

иккинчидан, ESG ва “green jobs” каби йўналишларни миллий стратегияларга интеграция қилиш.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, рақамлаштириш, ESG-молиялаш ва “green jobs” каби ёндашувлар ёшлар сиёсатида кенг қўлланилиши мумкин. Ушбу механизмлар ёшлар бандлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, уларни самарали амалга ошириш учун тизимли чора-тадбирлар ва стратегик ёндашув талаб этилади. Шу боис қуйидаги таклиф ва тавсиялар соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда халқаро тажрибани миллий шароитга мослаштиришга қаратилган:

1. Миллий ESG-Фонди ташкил этиш — халқаро сармоядорлар иштирокида ёшлар лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи миллий инвестиция тизимини яратиш.

2. Digital Youth Platform яратиш — ёшлар учун грантлар, стажировкалар ва иш имкониятлари ҳақидаги маълумотларни бирлаштирувчи ягона рақамли портал.

3. Green Incubation Hub — университетлар ҳузурида яшил технологиялар бўйича илмий-тадқиқот ва стартап марказларини ташкил этиш.

4. ESG-рейтинги тизимини жорий этиш — корхоналарнинг ёшлар сиёсатига қўшган ҳиссаси асосида баҳолаш ва рағбатлантириш.

5. Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш — БМТ, ЕБҲР, Жаҳон банки каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшлар учун барқарор молия дастурларини амалга ошириш.

Ёшлар учун ижтимоий ҳимоя ва бандлик дастурларини молиялаштиришда инновацион ёндашувлар — рақамлаштириш, ESG-инвестициялар ва “green jobs” йўналишлари замонавий иқтисодиётнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Бу механизмлар нафақат ёшларни иш билан таъминлашда, балки уларнинг интеллектуал ва ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқаришда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Демак, Ўзбекистон ёшлар сиёсатида инновацион молия механизмларини жорий этиш — бу шунчаки иқтисодий стратегия эмас, балки келажак тараққиётининг муҳим асосидир. Давлат, хусусий сектор ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш орқали ёшлар учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ва миллий иқтисодиётни янги сифат босқичига олиб чиқиш мумкин бўлади.

---

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. International Labour Organization. Youth Employment Trends 2023. – Geneva, 2023. – p. 45.
2. World Bank. Digital Finance and Youth Employment: Global Report. – Washington, 2022. – p. 58.
3. OECD. Innovation Report 2022. – Paris, 2022. – p. 73.
4. European Commission. ESG Funds and Social Impact Investments. – Brussels, 2023. – p. 36, 42.
5. UNDP. Green Jobs for Youth Initiative. – New York, 2022. – p. 14.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори №501, 29.06.2023.
7. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги. Ёшлар сиёсати концепцияси 2022–2026. – Тошкент, 2023.
8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги. Yashil iqtisodiyot – 2030 стратегияси ҳақида маълумот. – Тошкент, 2024.
9. Марказий Банк расмий сайти: <https://www.cbu.uz>
10. United Nations Development Programme. (2024). Youth and Digital Economy Project. UNDP Uzbekistan. Retrieved from <https://www.undp.org/uzbekistan/projects/youth-and-digital-economy>
12. Youth Affairs Agency of the Republic of Uzbekistan. (2024, October 8). Uzbekistan establishes Green Initiatives Support Fund under the Youth Affairs Agency. Uzdaily. Retrieved from <https://www.uzdaily.uz/en/uzbekistan-establishes-green-initiatives-support-fund-under-the-youth-affairs-agency/>
13. United Nations Development Programme. (2023). Empowering Youth Towards a Brighter Future through Green and Innovative Development of the Aral Sea Region. UNDP Uzbekistan. Retrieved from <https://www.undp.org/uzbekistan/projects/empowering-youth-towards-brighter-future-through-green-and-innovative-development-aral-sea-region>